

## КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МИҚДОРИЙ БЕЛГИЛАР

**Музаффар Худайберганович Машарипов**

Дон дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба  
станцияси б.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим

**Нурбек Улуғбекович Хамраев**

Хоразм Маъмун академияси

**Уморбек Курбанбаевич Абдурахимов**

Хоразм Маъмун академияси б.ф.ф.д. (PhD)

**Исломжон Баҳром ўғли Давлетов**

Дон дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба  
станцияси

[ddeiti.xorazmits@gmail.com](mailto:ddeiti.xorazmits@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сугориладиган ерларда сифатли дон берадиган кузги юмшоқ буғдой навларини синаш ва уларнинг биометрик қўрсаткичларини аниқлаш мақсадида Дон дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станциясида мавжуд коллекция материаллари устида лаборатория тажрибалари олиб борилган. Натижада, Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитида кузги юмшоқ буғдой навларидан Андижон-2, Таня, Веха, Дурдона, Первица, Звезда ва Васса навлари етиштириш орқали юқори дон ҳосили олишга эришилган.

**Калит сўзлар:** кузги юмшоқ буғдой, нав, 1000 дона дон оғирлиги, дон натураси ва ҳосилдорлик, тупроқ-иклим шароити.

### ABSTRACT

In this article, in order to test varieties of winter soft wheat that produce quality grains on irrigated lands and to determine their biometric parameters, laboratory experiments were conducted on the available collection materials at the Khorezm Scientific Experimental Station of Grain And Legumes Research Institute. As a result, it was possible to obtain a high grain yield by growing Andijon-2, Tanya, Vekha, Durdona, Pervitsa, Zvezda

and Vassa varieties from winter soft wheat varieties in the soil-climatic conditions of Khorezm region.

**Keywords:** winter soft wheat, variety, weight of 1000 grains, grain type and yield, soil and climate conditions.

## КИРИШ

Кузги буғдой ҳосилдорлиги навнинг биологик хусусиятларига, иқлим шароити, сув, ёруғлик, озиқа режимига, қўлланилган агротехнологик тадбирларга боғлиқ ҳолда ўзгарадиган кўрсаткичdir. Ҳар бир ташқи муҳит омили кузги буғдой ҳосилдорлиги ва дон сифатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади [1]. Ҳосилдорлик маълум бирликдаги ўсимликлар ҳосилининг йиғиндисидир. Туп қалинлигини ошиб бориши билан алоҳида олинган ўсимликнинг махсулдорлиги пасайиб боради, аммо ҳосилдорлик маълум даражада ошиб боради. Бунда маълум бирликдаги майдонда ўсимликлар сони оптималлашади, ҳосилдорлик энг юқори бўлади, кейинчалик ҳосилдорликни секинлик билан пасайиб бориши кузатилади. Ҳозирги кунда буғдой ҳосилдорлигини гектаридан 20 тоннага етказиш назарий жиҳатдан аниқланган бўлиб, амалиётда 14 тоннагача ҳосил олинган [2]. Донли ва дуккакли экинларнинг ҳосили турли давлатлар ва минтақаларда турлича бўлиб, табиий иқлим, тупроқ, агротехника шароитларига қараб ўзгаради [3]. Кузги буғдой баҳорги буғдойга нисбатан куз, қиш ва баҳорги ёғингарчиликлардан ҳосил бўлган тупроқдаги намлиқдан яхши фойдаланади. Натижада жазирама иссиқдан, гармседдан кам заарланади ва юқори ҳосил шаклланади [4].

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган ерларда сифатли дон берадиган кузги юмшоқ буғдой навларини синаш ва уларнинг биометрик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида Дон дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станциясида мавжуд коллекция материаллари устида лаборатория тажрибалари олиб борилди.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқот обьекти сифатида танлаб олинган 30 та кузги юмшоқ буғдой навларининг 1000 дона дон оғирлиги, дон натураси ва ҳосилдорлиги анқланди ва таҳлил қилинди. Ушбу навлар 2021-2022 йилларда Дон дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станцияси даласида бир хил агротехника қўллаган ҳолда етиштирилди. Краснодарская-99 нави назорат нави сифатида олинди.

## МУҲОКАМА

Тажрибада синалаётган кузги юмшоқ буғдой навларининг 1000 дона дон оғирлиги аниқланда 38,5-53,0 грамм оралиғида бўлди. 1000 дона дон оғирлиги ҳосилдорликни шакллантирувчи муҳим қимматли-хўжалик белгиларидан ҳисобланади [5]. Донни ҳосил бўлиш даврида юқори ҳарорат, намликтининг етишмаслиги, ўсимликнинг ётиб қолиши, касалликлар, зааркундалар билан зарарланиши 1000 дона дон оғирлигини камайтиради [6]. 1000 дона дон оғирлиги бўйича энг юқори натижа Бобур ва Васса навларида (53,0 гр) кузатилган бўлса, энг кам дон оғирлиги Алексеич навида (38,5 гр) аниқланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Навларнинг 1000 дона дон оғирлиги, дон натураси ва ҳосилдорлиги, ц/га

Т/р	Навлар номи	1000 дона дон оғирлиги, грамм	Дон натураси, грамм/литр	Ҳосилдорлик, ц/га
1	Краснодар 99	39,5	782,0	63,0
2	Антонина	40,0	830,0	58,2
3	Дружба	43,0	821,0	64,2
4	Андижон-2	41,0	838,0	74,2
5	Таня	40,0	861,0	77,4
6	Алексеич	38,5	738,0	60,0
7	Ёғду	44,0	826,0	62,0
8	Марс-1	47,0	724,0	63,5
9	Чиллаки	46,0	783,0	59,6
10	Аср	50,0	740,4	69,5
11	Кадр	41,0	847,0	70,6
12	Веха	41,0	818,0	78,6
13	Гурт	43,0	815,0	61,6
14	Ўзбекистон-25	40,0	849,0	67,2
15	Юка	44,0	885,1	60,0
16	Дурдона	44,0	841,0	74,9
17	Крошка	45,0	850,0	73,1
18	Гром	45,0	840,0	70,4
19	Нодир	40,0	831,9	64,8
20	Первица	44,0	822,0	78,0
21	Андижон-4	45,0	785,0	65,4

22	Звезда	46,0	833,0	79,9
23	Безостая-100	45,0	839,0	60,2
24	Навбахор	47,0	833,0	61,9
25	Бобур	53,0	840,0	66,3
26	Васса	53,0	835,0	80,3
27	Азиз	40,0	846,0	63,5
28	Велена	44,0	832,0	70,4
29	Бригада	40,0	846,0	67,8
30	Старшина	44,0	858,5	57,6

Дон натураси ун чиқиши ва доннинг тўлалигини таъминлайди. Буғдой учун дон натураси 700-840 грамм/литр ўртacha меъёр ҳисобланади. Бизнинг тажрибаларимизда 724,0-885,1 грамм/литр оралиғида бўлди. Краснодар-99 назорат навига нисбатан (782,0 г/л) паст натижалар Алексеич (738,0 г/л), Марс-1 (724,0 г/л), Аср (740,4 г/л) навларида кузатилди. Бошқа навлар назорат навидан юқори кўрсаткичга эга бўлди (1-жадвал).

Навларнинг дон ҳосилдорлиги ўртacha 58,2 – 80,3 ц/га ни ташкил қилиб, энг юқори дон ҳосили Васса навида (80,3 ц/га), энг паст дон ҳосили эса Антонина навида (58,2 ц/га) аниқланди. Краснодар-99 назорат навининг дон ҳосилдорлиги 63,0 ц/га ни ташкил этди.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларида асосида, Хоразм вилояти тупроқ-икклим шароитида кузги юмшоқ буғдой навлари бир хил агротехника қўллаб етиштирилишига қарамасдан, уларнинг биометрик кўрсаткичлари турлича бўлиши кузатилди:

- 1000 дона дон оғирлиги бўйича энг юқори натижа Бобур ва Васса навларида (53,0 гр) кузатилган бўлса, энг кам дон оғирлиги Алексеич навида (38,5 гр) аниқланди;
- Навларнинг дон натураси аниқланганда 724,0-885,1 грамм/литр оралиғида бўлди;
- Навларнинг дон ҳосилдорлиги ўртacha 58,2 – 80,3 ц/га ни ташкил қилиб, энг юқори дон ҳосили Васса навида (80,3 ц/га), энг паст дон ҳосили эса Антонина навида (58,2 ц/га) аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм вилояти тупроқ-икклим шароитида кузги юмшоқ буғдой навларидан Андижон-2, Таня, Веха, Дурдона, Первица, Звезда ва Васса навлари етиштириш орқали юқори дон ҳосили олишга эришиш мумкин.

## REFERENCES

- Хоназаров А.А., Амонов А.О. Ўзбекистонда ғаллачиликни ривожлантиришнинг муаммолари // Ўзбекистонда ғаллачиликни ривожлантиришнинг яратилган илмий асослари ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман – Ғаллаорол, 2007. – Б. 14-18.
- Аманов А.А., Гафурова Л.А., Нурбеков А.И. Зерноводство в Узбекистане. Журнал Координационного Совета по зерноводству. – Ташкент, 2005. – С. 11.
- Курбонов Ф.Қ. Донли экинлар уруғшунослиги. – Қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг агрономия факультетлари талабалари учун қўлланма. – Т., 2004. – Б. 112.
- Халилов Н.Х. Донли экинлар биологияси. – Самарқанд, 2002. – Б. 78.
- Дорофеев В.Ф. Мировой генофонд культурных растений и задачи селекции в свете Продовольственной программы // – Л.: Изв. сер. биол. 1975. Т/р 3. – С. 345-352.
- Покровский Н.В. Особенности полиморфизма глиадинов озимой твёрдой пшеницы различного происхождения // Символ науки. – Уфа: Омега сайнс, 2015. – №9. – С. 41-47.